

БИР НЕЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ: ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

Розимова Кундуз Юлдашевна

*Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминалогия
ва коррупцияга қарши курашиш
кафедраси доцент в.б, PhD
E-mail :q.rozimova@gmail.ru*

Аннотация: мазкур мақола доирасида жиноят ва бир неча жиноят содир этиш ва унинг асослари, шунингдек олимларнинг бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш бўйича назарий қарашлари тадқиқ этилган. Мақола сўнгида муаллиф томонидан ушбу соҳада жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят қонуни, жазо тайинлаш, бир неча жиноят ва бошқалар.

СОВЕРШЕНИЕ НЕСКОЛЬКИХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ: НА ПРИМЕРЕ УГОЛОВНОГО ПРАВА УЗБЕКИСТАНА

Розимова Кундуз Юлдашевна

*Ташкентский Государственный Юридический Университет
и.о доцент, (PhD)
E-mail: q.rozimova@gmail.ru*

Аннотация: в данной статье анализируются особенности и основания совершения преступлений по совокупности, в частности, были изучены теоретические взгляды ученых на назначении наказания при совокупности преступлений. В заключении статьи автором были разработаны предложения по совершенствованию уголовного законодательства в этой области.

Ключевые слова: уголовное право, назначение наказания, множественные преступления, рецидив, вынесение приговора, осуждение и др.

COMMITTING SEVERAL CRIMES: ON THE EXAMPLE OF CRIMINAL LAW OF UZBEKISTAN

Rozimova Qunduz Yuldashevna

Tashkent State Law University Senior Lecturer, PhD

q.rozimova@gmail.ru

Annotation: *this article analyzes the features and grounds for committing multiple offences, in particular, the theoretical views of scientists on the appointment of punishment for multiple offences were studied. In conclusion of the article, the author developed proposals for improving the criminal law in this sphere.*

Keywords: *criminal law, sentencing, multiple offences, relapse, judgment delivery, judgment etc.*

Шахснинг бир неча жиноят содир этганлиги унинг дастлабки тайинланган жазодан ёки олдинги содир этган қилмишидан пушаймон бўлмаганлиги ва ўзига тегишли хулоса чиқармаганлигидан далолат беради. Бу шахснинг, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари учун хавфлилигидан, жиноят қонуни билан қўриқланадиган нормаларга риоя қилмасдан уларни яна бузиш хавфи мавжудлигини англатади.

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш институти ҳақидаги олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилар эканмиз, бунда аксарият ҳолларда олимлар мазкур институт тушунчасига унинг турларидан келиб чиққан ҳолда таъриф беришларига гувоҳ бўламиз. Шу муносабат билан бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш борасидаги миллий ва хорижий олимларнинг назарий қарашларини қуйидаги беш гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилишимиз мумкин. Зеро, бир неча жиноят учун жазо тайинлаш институтининг моҳиятини тушунишда унинг шакллари муҳим аҳамиятга эгадир.

Биринчи гуруҳ олимлар жиноят-ҳуқуқий тушунча сифатида бир қанча жиноятлар содир этиш тушунчасига айна бир шахс томонидан алоҳида жиноят таркибига эга бўлган жиноятларни содир этиш деб таъриф берадилар. Жумладан, Г.Г.Криволапов бир неча жиноятни: а) шахс томонидан жиноят қонунининг битта ёки бир нечта моддаларида (модданинг қисмларида) кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши; б) икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг ҳар бири мустақил равишда содир этилган ва ягона

жиноят сифатида эътироф этилиб, жиноят қонунининг алоҳида моддалари (модданинг қисмлари) билан квалификация қилиниши; в) бир неча жиноятлар таркибига кирувчи ҳар қайси жиноят ўзининг содир этилиши факти асосида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий оқибатини сақлаб қолиши лозим деб ҳисоблайди[1].

М.Жиянов ҳам юқоридагига яқин фикрни билдирар экан, деярли барча давлатлар жиноят қонунчилигида “бир қанча жиноят” тушунчасига таъриф берилмаганлигини таъкидлаб, “Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган, жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир вақтда ёки турли вақтларда бир шахс томонидан содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилиши ҳақидаги фикрни илгари суради [2].

В.В.Коряковцев ва К.В.Питульколарнинг фикрича, бир қанча жиноятлар тушунчаси остида айни бир шахс томонидан жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган, алоҳида жиноят таркибига эга бўлган бир неча жиноятнинг содир этилиши тушунилади [3]. “Бир қанча жиноят содир этиш бир шахс томонидан содир этилган ҳамма қилмишларнинг юридик нуқтаи назардан бир неча мустақил жиноятларга бўлиниши билан тавсифланади” [4].

М.В.Плотникованинг таъкидлашича, “бир қанча жиноят содир этиш деганда, айбдор шахс томонидан ўзининг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳар бири юзасидан жиноят ишини юритишда ҳуқуқий тўсиқлар бўлмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши тушунилади” [5]. Шунингдек, у бир қанча жиноят содир этишнинг ҳуқуқий белгиларини шартли равишда миқдор ва сифат белгиларига ажратиш мумкинлигини қайд этади. Бунда миқдор белгиларига икки ва ундан ортиқ жиноятларни содир этилиши кирса, сифат белгиларига мустақил жиноят таркиби белгиларини ўз ичига олган бир ёки бир неча ижтимоий хавфли қилмишларнинг содир этилиши, ҳеч бўлмаганда икки жиноий қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари мавжуд бўлиши ва жиноят ишини юритишда ҳуқуқий тўсиқларнинг бўлмаслиги киради.

Иккинчи гуруҳ олимлари бир қанча жиноят тушунчасига бир қанча жиноят шаклларида келиб чиқиб таъриф берадилар. Хусусан, И.Г.Возжанникованинг фикрича, бир қанча жиноят содир этиш деганда бевосита ЖК Умумий қисмида назарда тутилган бир қанча жиноят шакллари хусусан, жиноятлар мажмуи, бир неча ҳукм, рецидив ва судланганликка эга бўлган шахснинг рецидив жиноят белгиларига

эга бўлмаган ҳолда такроран жиноят содир қилиши тушунилади[6]. В.П.Малковнинг фикрича, бир қанча жиноят содир этиш иккита шаклда: такрорийлик ва жиноятларнинг идеал мажмуида яққол намоён бўлади ҳамда бу икки тушунча тенг ва барабар тоифадаги юридик тушунчалар ҳисобланади [7]. Такрорийлик ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади: шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ бўлмаган такрорийлик ва шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ такрорийлик. Шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ бўлмаган такрорийлик ҳам бир неча марта жиноят содир этиш, муттасил равишда жиноят содир этиш, жиноят содир қилишни касб-кор қилиб олиш ва жиноятларнинг реал мажмуига бўлинади[8].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-бобида “бир қанча жиноятлар” тушунчасига таъриф берилмаган бўлиб, фақат бир қанча жиноятнинг шакллари бўлган такроран жиноят содир этиш (ЖК 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖК 33-моддаси), рецидив жиноятлар (ЖК 34-моддаси) бир неча жиноятлар назарда тутилган.

Учинчи гуруҳ олимлар бир қанча жиноят тушунчасига жиноятларнинг реал ва идеал жами белгиларидан келиб чиқиб таъриф берадилар. Жумладан, А.И. Сорокин “бир қанча жиноят” жиноятларнинг реал ва идеал жами белгиларини акс эттириб, бунда мазкур жиноятларга нисбатан жиноят-хуқуқий оқибатлар сақланиб қолган бўлиши ва жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар мавжуд бўлмаслигини таъкидлайди [9].

Бир қанча жиноят тушунчасини изоҳлашда шуни ҳам инобатга олиш керакки, баъзи ҳолатларда турли вақтларда бир нечта жиноий қилмиш содир этилса, бошқа ҳолатларда бир вақтда битта жиноий ҳаракат содир этилиши билан қилмиш ЖК Махсус қисмининг бир ёки бир нечта моддаларига мос келувчи бир қанча жиноятлар деб топилади.

Тўртинчи гуруҳдаги олимлар бир қанча жиноят тушунчасида шахснинг фақат судланмаганлиги эмас, балки судланганлигини ҳам назарда тутадилар. Благовнинг фикрича, бир қанча жиноятлар деганда “судланган ёки судланмаганликдан қатъий назар, шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни шу жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси юзасидан юридик оқибатлар мавжуд бўлган ҳолда ёхуд жиноий таъқиб қилиш учун процессуал тўсқинликлар бўлмаган ҳолда содир қилиш” [10] тушунилади. Бир қанча жиноятлар тушунчасини жиноят қонунчилигида мустаҳкамлаш мақсадга

мувофиқлигини таъкидлар экан, бунда бир қанча жиноят деганда, ЖК Махсус қисмининг турли моддалари ёки қисмларида назарда тутилган ва мустақил жиноят таркибига эга бўлган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни судланган судланмаганлигидан қатъий назар бир шахс томонидан содир этилишини, бунда ҳеч бўлмаганда содир этилган жиноятлардан камида иккитасида уларни содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари сақланиб қолиши ҳамда жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар мавжуд бўлмаслигини тушуниш кераклигини таклиф қилади. Худди шундай фикрни М.Х.Рустамбаев ҳам билдириб, унинг фикрича, қонун кўрсатмасига биноан бир қанча жиноятлар деганда шахснинг суд ҳукми асосида аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар, улардан бирортаси учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар содир этиши тушунилади [11].

И.Б.Агаевнинг таъкидлашича, мустақил жиноят таркиби белгиларини ўзида ифода этган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши, агар ушбу жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитасида жиноят-ҳуқуқий оқибатларни инкор қилувчи ҳолатлар бўлмаса, ушбу жиноятлар учун шахс олдин жиноий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади [12].

Бешинчи гуруҳдаги олимлар бир қанча жиноят тушунчасини такроран жиноят билан бир хил деб ҳисоблайдилар. Айрим олимлар бир қанча жиноят институтини “бир қанча” деб номланишининг ўзи унинг мазмун-моҳиятини ўзида тўлиқ акс этмайди деган фикрни билдирадилар ва “бир қанча” атамаси ўрнига “такроран жиноят содир этиш” ёки “жиноятларнинг такрорланиши” атамаларини қўллаш тўғрилигини таъкидлайдилар [13].

Қайд этиш жоизки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи барча жиноятлар фақат бир шахс томонидан содир этилган бўлиши, шахснинг айнан қандай вазифани бажаргани яъни, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилигидан қатъий назар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас [14].

Бир қанча жиноятларни аниқлашда фақат жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлган қилмишлар ҳисобга олинади. Агар содир қилган бирор-бир қилмиш учун шахсни жавобгарликка тортиш асоси бекор бўлган бўлса, бундай қилмиш бир қанча жиноятларни ҳисобга олишда инобатга олинмайди. Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ҳам ҳисобга олинмайди [15].

Суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида Латвия (26-модда), Озарбайжон (17-модда), Қозоғистон (13-модда) давлатлари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуи тушунчасига жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий оқибатни келтириб чиқарадиган битта қилмишни содир этиш ҳам жиноятлар мажмуи деб топилиши тўғрисида қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

ЖК 33-моддасида суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий оқибатни келтириб чиқарадиган битта қилмишни содир этиш ҳам жиноятлар мажмуи деб топилиши тўғрисидаги қоида киритилмоқда. Мазкур қоида айрим хорижий мамлакатлар жиноят кодексларида (Латвия, Озарбайжон, Қозоғистон) белгиланган. Мазкур моддада суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида шахснинг содир этган битта қилмишида бир неча аломатлар мавжуд бўлиши (жиноятларнинг идеал мажмуи) жазо тайинлашда шахснинг битта жиноят содир этгани билан изоҳланади ва жиноятлар мажмуи эмас деб белгилаш таклиф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бир қанча жиноятнинг тури бўлган жиноятлар мажмуи тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинади:

33-модда. Жиноятлар мажмуи.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддаларида назарда тутилган бир неча жиноят таркибини келтириб чиқарадиган битта қилмишни содир этиш, агар ушбу нормаларнинг бири билан тўлиқ қамраб олинмаган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахснинг содир этган битта қилмишида ушбу Кодекс Махсус қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича **квалификация қилинади ва бу ҳолат жиноятлар мажмуи деб топилмайди.**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уголовное право России. Практический курс: учебник // Wolters Kluwer Russia. –2010. – С.772
2. М.Х.Жиянов. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш жиноятини мониторинг қилишнинг аҳамияти. "Қонунлар ижроси мониторинги: назария ва амалиёт масалалари". Илмий-амалий конференция материаллари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ш.Х.Файзиев.– Т.: 2010. – 57-60 б.
3. Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право: общая часть. – СПб: ООО «Питер Пресс», 2008. – С. 113.
4. Allanova A. Aggravating circumstances of illegal travel abroad or illegal entry into the Republic of Uzbekistan //Review of law sciences. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 3.
5. Плотникова М.В. Множественность преступлений: соотношение её разновидностей. Учебное пособие. М., 2012. С. 6-7,7-8.
6. И.Г.Возжанникова. Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, виды, значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. – Москва 2014, – с. 12-13.
7. Малков В.П. Множественность преступлений: сущность, виды, правовое значение Монография. Казань: Таглитат, 2006. – 140 с
8. Қ.Розимова. Бир неча жиноят ва бир неча ҳуқм юзасидан жазо тайинлаш. Монография.// - Т.: ТДЮУ, 2020. Б-132
9. А.И.Сорокин Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология, Уголовно-исполнительное право. – Москва, 2008. – С. 12.
10. Благоев. Е.В. Применение уголовного право. Москва – 2004, С-506
11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар: Умумий қисм.– Тошкент: Илм-зиё, 2016. – Б. 608.
12. Агаев И. Б. Множественность и повторность преступлений в квалификации уголовно-правовых террористических деяний против безопасности: национальный и международный аспекты //Международное сотрудничество евразийских государств: политика, экономика, право. М., №1 2017. С.74
13. К.Розимова Особенности цели наказания в теории уголовного права и уголовном законодательстве Узбекистана и Великобритании - Российский следователь, 2016

14. Q. Rozimova U. Alov. Some Features of Improving the Penal Institution for Several Crimes in the Criminal Law of Uzbekistan in the Fight against Corruption. Journal Of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 12, Issue-02. 2020

15. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник для вузов / Под ред. В.С. Комиссарова, Н.Е. Крыловой, И.М. Тяжковой. – М.: Статут, 2012. С.343-344

16. Каракетова. Д. “Безориликни олдини олишнинг ўзига хос жиҳатлари”. Жамият ва инновациялар, vol. 2, no. 7/S, Aug. 2021, pp. 102-1, doi:10.47689/2181-1415-vol2-iss7/S-pp102-112.

17. Каракетова. Д. “Безорилик ва безори шахсининг криминологик тавсифи”. Жамият ва инновациялар, vol. 2, no. 2/S, Mar. 2021, pp. 68-75, doi:10.47689/2181-1415-vol2-iss2/S-pp68-75.